

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

**МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИР
ҚИЛУВЧИ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ
ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

А.Н.Шопулатов

ТОШКЕНТ 2015

МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

А.Н.Шопулатов, ЎзДЖТИ

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бугунги жамиятимиз ва давлатимиз олдидаги муҳим масалалардан биридир. Бугунги кунда биз “бозор муносабатларига” асосланган иқтисодиётни бутун бир онгу-шууримиз билан англаб етмасдан, уни ривожланишига туртки бўладиган миллий-маънавий қадриятларимизни аниқлаб, уларни шаклланишига олиб келадиган омилларни ривожлантирмасдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишимиз қийинлашаверади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосида эса меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатлари ётади.

Албатта, бозор муносабатларига иқтисодий омилларнинг танҳо ўзи билан ўтиб бўлмайди. Бу соҳада маънавиятнинг аҳамияти беҳад катта. Одамларда имон, виждон, ҳалоллик, бировнинг ҳақини ейишдан кўрқиш, одамгарчилик, меҳр-мурувват, диёнат сингари шарқона маънавий-ахлоқий қадриятлар, ҳислат ва фазилатларни шакллантирмасдан, мустаҳкамламасдан туриб, бозор муносабатларига муваффақиятли равишда ўтиб бўлмайди. “Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин”[1.275].

Жамиятда янги иқтисодий қадриятлар тизимини шакллантиришда кишиларнинг руҳиятини ўзгартириш, уларда ислохотларнинг талабига мос келадиган янги тафаккур тарзини шакллантириш ниҳоятда муҳим. Агар кишиларнинг онгида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятларига ишонч руҳи пайдо бўлмас экан, унда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг иложи йўқ.

Бу борада айниқса, ёшларнинг дунёқариш ва тафаккурини ўрганиб бориш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, давлат ва жамият келажаги ёшларга боғлиқ бўлиб, улар ҳар вақт давлат ва жамият назоратида бўлишган. Ёшларнинг камол топиши катта авлоднинг кўлида бўлса, катта авлоднинг кейинги ҳаёти ва умиди ёшларга боғлиқдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ёшларга эътибор янада кучайди. Айниқса, уларнинг таълим-тарбияси борасида давлатимиз тамонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Бу ишларнинг давоми сифатида Президентимиз томонидан 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши, ёшларга бўлган эътиборнинг доимий ва давомийлигини кўрсатди. Ҳозирда ёшларнинг фаоллиги, билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда уларнинг фаолияти учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг

униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”[2.1], деган эди Президентимиз. Ёшларни давлат ва жамият ҳаётида иштирок этишлари учун уларнинг қарашлари ва хулқ-атворларини, жўшқин ва мақсадли фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Ислом таълимотида «тақдир» категориясининг талқинини ёшлар фаоллигига таъсирини олайлик. “Инсоннинг тақдири олдиндан унинг пешонасига ёзилган” деган тушунча ёшларнинг дунёқараши, хатти-ҳаракатига ва фаолиятига салбий таъсир қилиши аниқ. Бундай қарашлар уларни тушкунликка солиб қўйиши ва “қанча ҳаракат қилса ҳам бари бир пешонамга ёзилгани бўлади” каби тушунчалар онгига сингиши ва фаол ҳаракатдан тўхташи мумкин. Бизнингча, ёшларни бундай ҳолатга олиб келувчи омилларни аниқлаб, ўрганиб, олдини олиш зарур. Чунки бундай ҳолатлар ёшларни руҳий тушкунликка солиб қўйиш эҳтимоли мавжуд.

Тақдир муаммоси ислом масхабларида ҳар хил талқин қилинади. Улардан, мутакаллимлар одамнинг олами билиш борасидаги имкониятларини тан олмадилар, инсоннинг тақдири азалдан белгиланган, деб тушунтирдилар[3.43]. Уларга муҳолиф бўлган мазхаблардан бири мутаазалийлар Қуръон қоидалари абадийлигини рад қилади. Инсон ақл-идрокини, унинг олами ўзгартириш борасидаги фаолиятини юқори баҳолайди. Мутакаллимлар инсоннинг Худога бутунлай боғлиқлиги тўғрисидаги таълимотига қарши бориб, инсон ўз фаолиятида эркин бўлмоғи лозим, деган ғояни илғари суради. Хуллас, тақдир масаласи борасида ислом оламида ҳар хил қарашлар мавжуд бўлиб, кўпгина ислом мутафаккирлари тақдирни олдиндан белгилаб қўйилган деб таъкидласа, бир гуруҳ исломшунослар эса тақдирни Аллоҳ томонидан инсоннинг пешонасига олдиндан битилганлигига ишонмасликка чақирган.

Алломалардан, Алихонтўра Суғуний “Тарихи Муҳаммадий” номли асарида “Аллоҳнинг тақдири банданинг қилмишига боғлиқ”[4.121] дея, инсон тақдирини ўзи ўз хатти-ҳаракатлари билан яратади деб, изоҳлайди. Бунда, Аллоҳ инсоннинг яхши ҳаракатларига яхши тақдирни, ёмон ҳаракатларига ёмон тақдирни битиши баён қилинган. “Одам боласи ўз ихтиёри билан ҳақ йўлдин тоймагунча, Аллоҳ таоло уни ҳақ йўлдин чиқармас. Қайси йўлга кириш, қайси йўлга кирмаслик керак, бунинг ихтиёрини бандаларининг ўзларига қўйди. Энди банда ўз ихтиёри билан жаннатга кира олади ва ўз ихтиёри билан дўзахга тушади. Дўзахга тушганлар ҳеч кимдан кўришга ҳақлари йўқдир. Энди, агар банда яхшиликка етса, Аллоҳга шукр қилсин. Агар ёмонлик топса, буни ўзидан кўрсин. Ислом динининг эътиқоди шулдир”[4.202], дейди. Яна, ўзбек мутафаккирларидан А.Дониш ҳам тақдирга тан бермасликка чақирган. А.Дониш ўзининг “Насихатнома, нодир воқеалар” асарида кишиларни тақдирга тан бермасликка чақиради, инсон бахтини ўз меҳнати орқалигина топа олади, ҳар бир киши меҳнат орқали камол топади, дейди[5.58]. Дунё ва охира бахтини давлатлари учун, илоҳий қонун ҳукмида белгиланган, ҳар ишнинг ўзига

тегишлик сабабларини бажариб, қўлга келтирмай туриб: “Ха энди, тақдир шул экан”, деб ўлтириш энг катта нодонлик бўлиб, Аллоҳ қонунига қаршилиқ қилмоқликдур[11.213].

“Макиавелли ҳам ўзининг бир қатор асарларида ҳокимиятлар алмашинишини фақат шахснинг ўзига боғлаб қўймайди, бунда тақдир муайян роль ўйнашига ҳам тўхталиб ўтади. У ҳамма нарсани тақдирга боғлашга қарши чиқади. Барча ишни тақдир ҳукмига ташлаб қўйиш, ҳаракатсизлик муқаррар ҳалокатга олиб келади, деб таъкидлайди. Томас Гоббс ўзининг Левиофан асарида қуйидагиларни келтиради. Инсонлар ўртасидаги фарқ уларнинг тарбияси ва жисмоний тузилишига боғлиқ. Қолган барча хусусиятларига кўра, инсонлар бир-бирига тенг, яъни уларнинг табақаларга бўлиниши асоссиздир”[7.423]. Буюк бобомиз, миллатимизни фахри А.Темур “Балки ғолиб бўлмоқлик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир. Чунончи мен кенгашган ва тадбир юритган ҳолда икки юз қирқ уч киши билан Қарши қалъаси устига юрдим. Амир Мусо ва Малик баҳодир ўн икки минг отлиқ аскар билан қалъа ва унинг атрофини қўриқламоқда эди. Лекин Тангри таолонинг ёрдами етиб, ўзим қўллаган тўғри тадбирларим орқали Қарши қалъасини эгалладим”[8.13], дейди. А.Темур бу билан тадбир орқали юксак натижага эришиш мумкинлигини кўрсатади. “Оллоҳ таоло бандага ато этган икки нарса – ақл ва нафс воситасида унга Ўзи тақдир қилган яхшилиқ билан ёмонликдан бирини танлаш ихтиёрини берган”[9.56].

Юртимиз тарихини кўзатадиган бўлсак ХI асрга келиб “рационализмга асосланган калом илмини аста-секин мистикага асосланган тасаввуф сиқиб чиқара бошлади”[9.34]. Натижада “одамлар турли азиз-авлиёлардан, эшону пирлардан ижтимоий мўъжиза, юпанч ва рухий мадад кутишга ҳаддан ташқари мойиллик кўрсата бошлади”[13.51]. Ҳаттоки, диний мистиканинг таъсири натижасида бир нечта алломаларимиз ўз ҳаётидан маҳрум бўлишди. “Улуғбекнинг қатли шунчаки буюк шахс фожиаси эмас, балки ислом оламида, жумладан, бизнинг мамлакатимизда Х асрдан бошлаб илмий рационализм ва диний мистика ўртасидаги гоҳи зимдан, гоҳи очиқча кетаётган курашда илмий рационализмнинг мағлубияти эди”[10.108]. ХVIII асрга келиб бизнинг юртимизда, четдан кириб келадиган хавфга қарши чиқадиган кучли давлат қолмади. Бундай таъсирларнинг натижасидан аллома А.Соғуний куйиниб, “Форобийлар, Ибн Синолар чиққан бу улуғ Ватаннинг ва миллатнинг келгуси истикболи учун ҳеч ким қайғурмас эди. Шундай аҳволда бўлишларига қарамай, иттифоқсизлик балосининг энг юқори босқичига етганликларини кўрсатиб, душманга қарши бирлашиш ўрнига доимо ўзаро низо ва қон тўкишлар билан шуғулланиб келдилар. Инқироз бўлиш олдида туришларига қарамай, илмсизлик натижасида, бунинг олдини олиш учун қўлларида бор имкониятдан ҳам фойдаланолмадилар, кераклик сабабларини қилмадилар. Ўқиш-ўқитиш ишлари ўрта асрдан фарқи йўқ эди. Етарлиқ иқтисодий бойлик мавжуд бўла туриб, давлатнинг муҳофаа ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Аскарый тартиб шу эски усулда

бўлиб, низомий тартиб киргизилмаган ва замонавий қурооллар йўқ эди. Бундай онгсиз ҳукуматнинг инқироз бўлиши табиийдур”[6.46] деб, қаттиқ қайғуради.

Умуман, инсонга “тақдир” тушунчасининг моҳиятини ёритишда бугунги диний алломаларимиздан Раҳматиллоҳ қори Обидов қуйидагича тушунтиради: “Масаланинг моҳияти шундаки, ҳар бир инсоннинг тақдири лавҳ ул-мавҳузда авалдан белгилаб, ёзиб қўйилган. Аммо Оллоҳдан ўзга ҳеч бир зот бу ёзув мазмунидан аниқ хабардор эмас. Шундай экан, бошига бир мусибат тушса, инсон ушбу ҳодиса азалдан Оллоҳнинг тақдири сифатида белгилангани учун сабр қилиши, Яратгандан ножот сўраши жоиз. Бирок келгусида рўй берадиган воқеалар ҳали бандага номаълум бўлгани учун “тақдиримда шундай бўлиши ёзилган” деб даъво қилиши, аслида, унинг ўзи ҳақида фолбинлик қилиши билан баробардир”[12.49].

Н. Комилов “Тақдир” ҳақида мулоҳаза юритиб, Шайх Азизиддин Насафийнинг фикрларини келтиради: “Зубдат ул-ҳақойиқ” номли рисоласида ёзади: “Одамларнинг сўзлари ва фаолият учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ, одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва мол-мулки шунча ортади”[13.91]. Олим мулоҳазаларни таҳлил этиб, “Тақдир - Худодан, тадбир - инсондан. Худо тақдирни белгилаб қўйган бўлсада, бироқ инсонга ривожланиш, илм-маърифат эгаси бўлиш имконини ҳам берган. Агар шундай бўлмаса эди, Худони таниш ва севиш ҳам иложсиз бўларди”[13.257], дейди.

Христианлик динининг иқтисодиёт ва инсон фаоллигига таъсирини ўрганган олим М.Вебер ўзининг динлар соҳасига оид ишларини бир бутун тадқиқот деб ҳисоблаган. Унинг протестантизм динининг ғарб тараққиётига таъсири тўғрисидаги қарашлари, ҳамма жиҳатларини ўз ичига олувчи динларнинг турли хил маданиятларда ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга таъсири изоҳининг фақатгина бир қисмидир. “Шарқ динларини таҳлил қилиб чиқиб, у шундай хулосага келади: бу динлар шарқ учун ғарб тимсолидаги саноатлашган капиталистик тараққиётга ўтишда енгиб бўлмас тўсиқ бўлган. Бу бошқа цивилизациялар ғарб цивилизацияларига нисбатан қолақ бўлганлиги учун эмас, балки оддий қилиб айтганда, уларнинг қадриятлари Европада ҳукмрон бўлган қадриятлардан фарқ қилгани учун шундай бўлган”[14.512]. Вебер тарихни материалистик тушунишни рад этади ва Маркс фикрига қарама-қарши ҳолда синфий можаролар камроқ аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Вебер ўз социологик тадқиқотларида Европа мамлакатларини тараққиётга ундайдиган етук, рационал маданият зарур эканлигига ва шу маданиятни яратиш учун нима вазифалар бажарилиши лозимлиги масаласига тўхталиб ўтган тадқиқотчидир. Ушбу масалани олим “Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи” асарида таҳлил қилар экан, у капитализмнинг вужудга келиш ва ривожланишида диннинг ролига алоҳида аҳамият берган. У яшаган даврда Германияда капитал эгалари ва тадбиркорлар орасида протестантлар сезиларли даражада кўпчиликни ташкил қилар, католиклар эса савдо-сотиқ, саноат ва молия соҳаларида

унчалик муҳим роль ўйнашмасди. Вебер учун айнан ана шу факт масалани тадқиқ этишига туртки бўлиб хизмат қилган. У ушбу факт устидан мулоҳаза юритиб ўзи “капитализм руҳи” деб атаган нарсанинг шаклланиши учун айнан протестантлик дини дастлабки туртки берган деган хулосага келган. Капитализм руҳи деганда у негизида меҳнат этикаси ётган ўзига хос дунёни ҳис қилишни ва шунга асосланиш натижасида инсон ҳаётининг асосий мазмуни бўлган бадавлат бўлиш жараёнини назарда тутди. Айрим вазиятларда эса Вебер “капитализм руҳи” тушунчасининг ўрнига “капитализм маданияти” тушунчасини ҳам ишлатади. Вебер фикрича, жамиятнинг синфларга бўлиниши фақатгина ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиш ёки бўлмаслик иқтисодий тараққиётни белгилаб беради, деган К.Маркс таълимотига қарши бориб, балки мулк билан бевосита боғлиқ бўлмаган иқтисодий фарқлар билан ҳам белгиланади.

Вебер асарида Бенджамен Франклиннинг фикрларидан ихтибос келтиради: ғайратли ёшлар даромад топишга интилишлари лозим, улар даромадни қадрлаб, ошириш ва кўпайтириш йўлларини излашлари керак. Америка –пул билан муомала қилишни биладиган ҳалол, бойлиги ва капиталини кўпайтиришни ўз бурчи деб ўйлайдиган кишиларга таянади. Вебер айнан шу тамойил асосида Америка мафкураси тузилган, деб ҳисоблайди. Бу тамойил Америка халқининг қон-қонига сингиб кетган ва этика даражасига кўтарилган. Бу этикадан четга оғиш эса нафақат бемаънилик, ҳаттоки бурчнинг бузулиши деб қабул қилинади. Франклин фикрини таҳлил қилар экан, Вебер, Америка президенти-индивидуал тадбиркорлик ғайратини ёки бошқача айтганда руҳий жиҳатдан бойликка мойилликни эмас, балки этика даражасига кўтарилган ва ахлоқий меъёр билан суғорилган, Америкаликларнинг ҳаёт тарзини меъёрга келтира оладиган, йўлга сола оладиган бурчни назарда тутганини айтади[15.73]. “Мен кўп пул топаман ва уни қайси йўл билан бўлса ҳам кўпайтираман. Мен ҳақимда ким нима деб ўйласа ўйлайверсин, бу мени қизиқтирмайди” тоифасидаги ақида ҳам ғайратли тадбиркорлар учун меъёр ҳисоблансада, лекин, этика даражасига кўтарилган ва маънавий қиймати билан тубдан фарқладиган этика меъёридан ажралиб туради : “Пул топиш - бу менинг бурчим, вазифам, менинг яхшилигим ва меҳрибон эканлигим шу ҳаракатларимда кўринади, мен ўз хатти-ҳаракатларимдан фахрланадиган йўлдан боришим лозим, шунда ватандошларимнинг ҳам менга бўлган ишончи ва ҳурмати ошади”. Бугунги кунда ана шундай ахлоқий меъёрга ва ақидага риоя қилувчи, маданий жиҳатдан юксалган давлатларгина ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишган. Вебер назарда тутган “капитализм руҳи”нинг асл мақсади айнан шу эди.

Инсон моддий маблағни қадрсизлаб фақатгина эҳтиёжларини қондирадиган бир восита сифатида эмас, ҳурмат юзасидан ёндашиши, кўпайтиришга ҳаракат қилиши лозим. Сабаби, бу Худога маъқул бўлган ҳаракатдир. Халқ орасида бадавлат бўлсанг Худога ҳам ёқасан, деган нақл юради. Худога бадавлат инсон ёқишининг, маъқул келишининг асосий

сабаби: бу инсоннинг бой бўлганлиги ёки энг яхши, ширин ҳаёт кечириётганлиги учун эмас, балки у ўзига шундай роҳатни лойиқ кўрмаслигидадир. Чунки унинг ширин ҳаётга вақти йўқ. У ҳаётнинг барча лаззатларидан воз кечган ҳолатда, ўзига берилган муқаддас вазифа – давлатни кўпайтириш бурчини бажариш билан банд. Меҳнатдан дам олишга бўлган ҳар қандай интилиш, “қилган меҳнатимнинг эвазига” деб ўйин-кулгига берилиш – муқаддас бурчни бажаришдан четга оғишдир. Ҳаётдаги барча роҳат-фароғатдан воз кечиш эвазига ўз бурчини вақтида бажариш ва дам олиш имкониятларидан воз кечиш – протестантизм этикасига хос бўлган хусусиятдир. Айнан шу хусусиятни Вебер дунёвий аскетизм деб атайди. У протестантизм таълимотидаги инсонга берилган ягона ҳаёт ғоясини маъқуллаб, протестантизмдан фарқли ўлароқ, ҳаётни фақат тоат-ибодат билан ўтказиш эмас, аксинча дунёни гуллатиш, меҳнат қилиш ва шунинг эвазига бойиш, қашшоқлик ва ишсизликдан қутилиш, жамиятни тараққиётга етаклаш воситаларидан бир кўринишидир, деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини тижоратсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатимиз ҳам тижоратни ривожлантириш йўлидан бориб, тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Айниқса, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиб, уларни “оёққа туриб ” олишларида молиявий ёрдам ва йўл-йуриқлар кўрсатиб келмоқда. Тадбиркорлик асосида эса, таваккалчилик қобилияти ётиши ҳамда таваккал қилиш тадбиркорликнинг асосий принципларидан эканлиги иқтисодиёт адабиётларида баён қилинган. Қарангки, ислом динида бу борада ҳам, яъни таваккал қилишда ҳам ижобий ёндашилган. Исломдан олдин араб мушриклари, Каъбага бир қутича илиб қўйиб, унга ёзилган учта тахтача солиб қўйишган. Улардан биронтаси бир иш қилишмоқчи бўлишса, ўша тахтачалдан бирини олиб, ўша тахтачадаги ёзувга қараб иш тутишган. Бу тахтачаларнинг бирида “ҳа”, иккинчисида “йўқ”, учинчисида “ўзингга ҳавола”, деб ёзилган бўлган. Агарда, бир иш қилишмоқчи бўлишса ўша тахтачалардан бирини олишган, агар “ҳа” чиқса қилишган, “йўқ” чиқса қилишмаган, “ўзингга ҳавола” чиқса ўзлари хоҳлаганини қилишган. Бундай иш тутиш, ўйламасдан фол очиш эди. Ислом эса “Фа изла изамта таваккал Аллоҳ”, яъни: ”Бир ишни қилмоққа қасд қилсанг, Аллоҳга таваккал қил”, деди. Бу оятдан чиққан Аллоҳнинг бўйруғига, ҳар яхши-ёмонлигини текшириб чиққандан сўнгра, ул ишни қилмоқ - қўйишда албатта Аллоҳга таваккал қилмоқ ҳар бир мўмин кишига фарз бўлди[4.138]. Бу билан Аллоҳ, олдин яхшилаб ўйлаб, кейин таваккал қилишни, таваккал қилганда ҳам, Аллоҳга таваккал қилишни буюрмоқда. Аллоҳга таваккал қилиб иш бошлаган инсонни Аллоҳ, ҳеч қурқмасдан янги ишларни бошлашга ва ҳар доим фаол, изланувчан бўлишга ундамоқда ҳамда ишини қўллашига вада бермоқда. Шунинг учун ҳам ислом дини ёшларни фаолликка етаклашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фақатгина ёшлар ислом динини яхшилаб ўрганишлари, ҳар доим фаолликда, изланишда бўлишимиз керак. Ахир,

Аллоҳнинг ўзи “сендан ҳаракат, мендан барокат” деб нақл қилиши бежиз эмасдир.

Юқорида билдирилган фикрларга таяниб қуйидаги фикрларни хулоса сифатида келтириш мумкин: **биринчидан**, инсоннинг ўзига, ўзининг салоҳиятига ва куч-қувватига, ўз ҳаётининг эгаси ўзи эканига ишониши жамият келажаги учун ғоятда муҳим. Бундай ишонч одамга мадад ва қувват беради, эртанги кунга дадил интилиб, яшашга ундайди; **иккинчидан**, ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўзгаришларни англаш ва фарқлаши, ижобий жиҳатларни эътироф этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, улар ўзларида замонавий талабларга мос келувчи лаёқат ва кўникмаларни шакллантириб бориши зарур. Бу эса миллатимиздаги баъзи эски қарашларни ўрганиб бориш, уларнинг асл моҳиятини кўрсатиб боришни тақозо этади. Шу боис халқимизнинг миллий-маънавий қадриятларини ўрганиш, жараёнларга таъсирини тадқиқ этиш мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади; **учинчидан**, миллий иқтисодиётимиз замонавий ривожланган давлатлар иқтисодиёти даражасига етиши учун ҳам иқтисодиётга таъсир этадиган барча ижтимоий-маънавий омилларни ўрганиш, ижобий қадриятларимизни ривожлантириш, салбий иллатлар ва қарашларни бартараф этиб бориш керак. Шундагина, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган комплекс ёндошув шаклланиб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Каримов И.А.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -3-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- Б.275.
- 2.Каримов И.А.Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.- Б.1.
- 3.Чориев А. Инсон фалсафаси (1).Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти.-Тошкент, 1998.- Б.43.
- 4.Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий.-Тошкент: Шарқ, 1991.- Б.121.
- 5.Шайхова Х., Назаров Қ. Умумий қадриятлар ва манавий камолот. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992.- Б.58.
- 6.Соғуний А..Туркистон қайғуси.- Тошкент: Шарқ, 2003.- Б.213.
- 7.Назаров Қ, Эргашев И ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти.- Тошкент:Ғофур Ғулом,2007.-Б.423.
- 8.Амир Темур.Темур тузуклари. -Тошкент: Шарқ, 2005.- Б.13.
- 9.Қаршибой М. Эзгулик ва маънавият:маърифий рисола.- Тошкент: Маънавият, 2009.-Б.56.
10. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. -Тошкент: Маънавият, 2009.- Б.108.
- 11.Соғуний А.Туркистон қайғуси.-Тошкент: Шарқ, 2003.- Б.46.
- 12.Раҳматуллоҳ қори Обидов. Тақдирдан тониб бўлмас.//Тафаккур.-Тошкент, 2004.-№4.- Б.49-52.
- 13.Комилов. Н Тасаввуф.-Тошкент: Мовароуннахр-Ўзбекистон, 2009.-Б.91.
- 14.Энтони Гидденс. Социология.-Тошкент: Шарқ, 2002.- Б. 512.
- 15.Вебер М.Избранные прозведения. - Москва:Прогресс, 1990.- С.73.

Резюме

Мақолада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир қилувчи маънавий қадриятларни ўрганишнинг илмий-фалсафий масалалари таҳлил қилинган ҳамда миллий-маънавий қадриятларга тараққиётнинг асосий омилларидан бири сифатида ёндошилган.

Резюме

Статья посвящена рассмотрению роли и значения “национально-духовных ценностей” в социальном развитии «Узбекистана». Также рассматриваются национально-духовные ценности как факторы, служащие укреплению независимости.

The resume

This is article dedicated to consideration of and importances "national-spiritual valuables" in development "Uzbekistan". Also national-spiritual valuables are considered as the factors, serving to strengthening of independence.